



Миллий ўзлигимиз кўзгуси

Буюк маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий: “Хар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон ойинайи ҳаёти тил ва адабиётдир. Миллий тилни йўқотмак миллат руҳини йўқотмакдур”, деган. Минг шукр, Аллоҳ бизни дунёдаги қадимий, гўзал ва бой тилга соҳиб қилган. Она тилимизнинг бекиёс имкониятлари қадимги тошбитикларда, халқимизнинг замонлар синовидан ўтиб келаётган мақол ва ҳикматли сўзлари, бетакрор иборалари, дostonларида, бой адабий меросимизда яққол кўринади.

Шундай экан, бебаҳо тилимизни асраб-авайлаш, унинг нуфузини ошириш масаласини жиддий ўйлаб кўришимиз зарур. Айниқса, бугунги глобаллашув даврида бу юмушни кечиктиришга ҳаққимиз йўқ. Ачинарлиси, айни замонда она тилига бўлган муносабатимиз ҳавас қиларли эмас. Нутқда чет сўзларни кўп аралаштириб қўллашимиз, кўчаларда ҳар қандамда ажнабий тилдаги ёзувларга дуч келишимиз, ижтимоий тармоқларда имло хатоларисиз ёзолмаслигимиз, идоравий ҳужжат матнлари ғализ жумлаларга тўла

бўлиши ва ҳоказо ҳолатларни келтириш мумкин.

Савол туғилиши мумкин: бугун ёшларимиз чет тилларни ўрганаётган замонда турмушимизда ўзбек тилига қандай зарурат бор? Она тили бизнинг қорнимизни тўйдирадими ёки эгнимизни бутлайдими?

Эсдан чиқармаслик лозим, бизни миллат сифатида жипслаштириб турган энг бирламчи омил бу – она тилидир. Миллий тилнинг йўқолиши эса миллатнинг ўзлигидан ажралиши демакдир. Миллий қиёфасидан жудо бўлган кишида юртига содиқлик, халқига ҳурмат ҳисси бўлмайди. У манфаат деган тушунчадан бошқасини тан олмайди. Пул учун, нафс учун ҳеч нарсадан қайтмайди. Биз орамизда шундай кимсалар кўпайишини хоҳламасак, миллийлигимизга оид ҳар бир нарсага, биринчи навбатда, она тилимизга эътиборли бўлишимиз зарур. Чунки ўз илдизидан узоклашган киши ҳар қанча етук олим, ноёб мутахассис, сармоядор бўлмасин, ундан мамлакат, миллат тараққиётига заррача фойда етмайди.

Ҳа, ҳазрат Мир Алишер Навоий беш аср олдин **“Тилга эътиборсиз – элга ихтиёрсиз”** дея битган пурмаъно сўзлар бугун ҳам долзарблигини йўқотмаган.

Донишманд ота-боболаримиз нутқ маданиятига катта эътибор беришган. Улар қолдирган асарларни ўқир эканмиз, ҳар бир сўз ўз ўрнида қўлланганига гувоҳ бўламиз. Сўз ҳиссини доимо библиб яшашимиз, она тилимизни асраб-авайлаб, уни эъзозлашимиз ҳар биримизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Зеро, ўзбекона лутф, муомала, миллий қадриятлар, ахлоқ эса тил одоби-га бориб тақалади. Миллатнинг ва миллий адабиётнинг мавжудлик шарти бўлган она тилимиз тақдири учун куюниш, унинг равнақи учун барча имкониятларни сафарбар этишга ҳар биримиз бурчлимиз.

Тил – маданият кўзгуси ва руҳимизнинг қаноти. Биз она тилимиз орқали халқлар, миллат ва элатлар орасида ҳамиша азизу мукарам эканимизни асло унутмаслигимиз керак.

Тўлқин ШЕРНАЕВ

Муҳим саналар

Ўзбекистон мусулмонлари идораси босиб ўтган узоқ йиллик шарафли йўл Ислom дини ривожига муносиб ўрин тутди. Даҳрийлик тузуми ҳукм сурган ўта мураккаб даврларда ҳам диний идора нафақат диёримиз, балки Марказий Осиёда яшовчи мусулмонларни ўз атрофида бирлаштириб, минтақада муқаддас динимизни қувватлантириш, мўминларнинг эътиқодий эҳтиёжларини қондиришга ҳисса қўшди.

Ўтган асрнинг 20–30-йилларида шўролар ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олгач, динга қарши аёвсиз курашни бошлаб юборишди. Ўзбекистондаги барча масжид ва

Шарафли йўл



мадрасалар ёпилиб, уламолар қатағон қилинди. Ушбу сиёсат Иккинчи жаҳон уруши даврига келибгина бироз юмшади. Боиси, қонли жанглар давом этаётган, бемисл қурбонлар берилаётган вазиятда одамларнинг диндан ўзга суянчи қолмаганди. Шу боис қаттол тузум мусулмонларнинг эътиқодий талабларига ён босишга мажбур бўлди.

1943 йилда юртимиз уламоларининг Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг диний ташкилотини таъсис этиш борасидаги ҳаракати фаоллашди. Эшон Бобоҳон ҳазратлари бошчилигида Абдураззоқ Эшон Муҳаммад Алимов,

Акрамхон Тозиҳонов ва Мулла Содиқ Исломов томонидан бу масалада шўро ҳукуматида қилинган мурожаат қаноатлантирилди. 1943 йил 20 октябрь куни Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг биринчи курултойи чақирилиб, унда 5 республикадан 160 дан ортиқ вакил қатнашди. Курултойда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати (кейинчалик “диний бошқарма” деб юритилган) ташкил этилгани ҳақида қарор қабул қилиниб, унга раис ва муфтий этиб бир овоздан Шайх Эшон Бобоҳон ибн Абдулмажидхон сайланди.

2-бетда

ҚИСҚА САТРЛАРДА

✓ 28 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Музаффар Комилов ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Индонезия Уламолар Кенгаши Бош котиби Амиршоҳ Тамбунан бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

✓ 29 сентябрь. Уйғун Ғафуров Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори лавозимига тайинланди. У бундан аввал Тошкент ислом институти ректори, шу кунга қадар Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари лавозимида фаолият юритган.

✓ 3 октябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон қори Ишматбеков Доғистон Республикаси делегацияси вакилларини қабул қилди.

✓ 7 октябрь. Наманган шаҳар бош имоми ва “Юсуфхон ўғли Қосимхон” жоме масжиди имом-хатиби Мусоҳон қори Аббосиддинов Наманган вилояти бош имом-хатиби лавозимига тайинланди.

✓ 9 октябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Андижон вилояти имом-хатиблари мажлисида иштирок этди.

✓ 9 октябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари “Саййид Муҳйиддин маҳдум” ўрта махсус ислом билим юртига ташриф буюрди.

✓ 10 октябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари раислигида Фарғона вилояти имом-хатиблари йиғилиши бўлиб ўтди.

✓ 11 октябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси биринчи ўринбосари Ҳомиджон қори Ишматбеков “Жаҳон ва анъанавий динлар етакчилари курултойининг ҳурмат медали” билан тақдирланди.

✓ 12 октябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идорасида муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ташаббуси билан ташкил этилган бош мукофоти – Ҳаж сафари йўлланмаси бўлган “ОЛАМЛАРГА РАҲМАТ ПАЙҒАМБАР” номли сийрат танловининг якуний тақдирлаш маросими бўлди.

“Оламларга раҳмат Пайғамбар” сийрат танлови ғолиблари



ЎЗБЕКИСТОН
МУСУЛМОНЛАРИ
ИДОРАСИ

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ташаббуси билан ўтказилган сийрат танловида қуйидаги йўналишлар бўйича ғолиблар эълон қилинди:

“Мақолалар” йўналишида:

- 1-ўрин – Содиқжанов Абдулбосит (“Оламларга раҳмат Пайғамбар”)
- 2-ўрин – Мирсагатов Рустамжон (“Кечиримли бўлиш – Расулulloҳдан суннат”)
- 3-ўрин – Комилова Юлдуз (“Ким сени унингдек яхши кўради”)

“Медиа ва инновацион лойиҳалар” йўналишида:

- 1-ўрин – Юнусова Қурбонбика (“Сийратга саёҳат, сийратни ўрганамиз”)
- 2-ўрин – Юнусбеков Аваз (“Расулulloҳ” номли қисқа видеолавҳа)
- 3-ўрин – Музрапов Турғун (“Расулulloҳнинг суннатлари” ҳақида видеолавҳа)

“Китоблар” йўналишида:

- 1-ўрин – Мирносир Ҳасанов (“Аллоҳнинг элчиси Муҳаммад солаллоҳу алайҳи ва саллам”)
 - 2-ўрин – Саъдуллоҳ Камолиддин ҳожи (“Муҳаммад солаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаёти”)
 - 3-ўрин – Эргашев Ҳасанбой (“Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва салламини тушимда кўрдим”)
- “Оламларга раҳмат пайғамбар” номли сийрат танловида Олий ўрин “Оламларга раҳмат пайғамбар. Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётларидаги раҳмат” китобига берилди ва ҳаж йўлланмаси муаллифлар жамоасидан Хонзода Абдулвоҳид қизига тақдим этилди.



Шу йил 10–11 октябрь кунлари Қозоғистон Республикаси Остона шаҳрида Жаҳон ва анъанавий динлар етакчилари курултойи Котибиятининг XXI йиғилиши бўлиб ўтди. Дунёнинг 23 давлатидан келган дин пешволари Котибиятнинг VII курултойида қабул қилинган Декларация қоидаларини амалга оширишни

Эътироф

муҳокама қилишди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси биринчи ўринбосари Ҳомиджон қори Ишматбеков “Жаҳон ва анъанавий динлар етакчилари курултойининг хурмат медали” билан тақдирланди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати



Муҳим саналар

1-бетда

Диний назорат ўша кезлари муфтий Шайх Эшон Бобоҳон ҳазратлари ҳовлисида иш бошлади. 1956 йилда “Бароқхон” мадрасаси таъмирлангач, у ерда фаолиятини давом эттирди. Диний назорат кутубхонаси “Бароқхон” мадрасаси рўпарасидаги “Мўйи Муборак” мадрасасида жойлашди. Унга муфтий Шайх Эшон Бобоҳон ҳазратлари шахсий кутубхонасидан мингдан ортиқ қўлёзма асарлар тақдим этади. Зиё маскани, шу билан бирга, аҳолидан сотиб олинган ва ҳадя қилинган қўлёзма ҳамда тошбосма ёдгорликлар

билан бойитилди. Хорижий давлатлардан келтирилган китоб ва журналлар эса алоҳида мажмуани ташкил этди.

Шайх Эшон Бобоҳон ҳазратлари 1957 йили вафот этгач, ўрнига ўғли Шайх Зиёуддинхон ибн Эшон Бобоҳон сайланди. У зот раҳбарлиги остида Ислом дини равнақи йўлида жуда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўта чекланган даражада бўлса-да, муборак ҳаж ибодатини адо этишга рухсат берилди, намоз вақтлари тақвими нашр этила бошланди.

Шайх Зиёуддинхон эшон ҳазратлари бошчилигида Имом Термизийнинг “аш-Шамойил ал-Муҳаммадия” китоби ўзбек тилига таржима қилинди.

1971 йилда имом-хатиблар малякасини ошириш бўйича ўқув курслари базасида Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ташкил этилиши Шайх Зиёуддинхон эшон ҳазратларининг энг катта хизматларидан бири бўлди. Совет Иттифоқида ягона олий ўқув юрти ҳисобланган мазкур диний таълим даргоҳида ўз даврида

Кавказ ва Россияда яшовчи мусулмон қавмларнинг етакчи уламолари ҳам таҳсил олишган.

Шайх Зиёуддинхон ҳазратлари вафотидан сўнг сулоланинг учинчи вакили Шайх Шамсуддинхон Бобоҳонов (1982–1989) ушбу вазифада самарали фаолият юритди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари диний бошқарма раиси ва муфтий бўлиб ишлаган ўтган асрнинг 90-йиллари тарихий ўзгаришлар даврига тўғри келди. Истиклол арафасида динга эркинлик берилиб, одамлар исломий ҳаётга қайта бошлади. Кўп ўтмай Совет Иттифоқи парчаланиб, минтақадаги мустақил давлатларнинг диний идоралари ҳам алоҳида бўлди.

6-бетда

Қисса айтиб беришдаги маҳоратлари*

Баъзида Аллоҳнинг дўстларига ҳам қийинчилик келади. Бу уларни янада юксак мартабага кўтаради, шарафли қилади. Бу эса Аллоҳ таолодан бир илтифотдир. Шунингдек, Журайжнинг дуодан олдин таҳорат қилгани ва намоз ўқиганидан муҳим ишлар учун дуо қилишдан олдин таҳорат олиб, намоз ўқиш яхши амал экани, таҳорат қилиш биздан олдингиларнинг ҳам шариатида бўлгани англашилади. Имом Бухорийнинг китобида ушбу ҳадис **“Таҳорат қилди ва намоз ўқиди”**, деган лафзлар билан келган.

Шунингдек, Журайж дуо қилганида боланинг гапирганидан авлиёларнинг каромати ҳақиқат эканини билиш мумкин. Авлиёларнинг каромати уларнинг ихтиёри ва талаблари, яъни сўрашлари билан амалга ошади. Кароматлар одатий ишлардан бошқача бўлиши билан фарқланади. Чунончи, чақалоқнинг гапириши нодир

* Давоми, бошланиши ўтган сонларда.

Салавот соғинчи

Салавот айтишга доир савол-жавоблар

Савол: Аллоҳ ва Унинг фаришталари Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтсалар, бизнинг салавот айтишимизга нима ҳожат бор?

Жавоб: Бизнинг Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтишимиз у зотнинг бунга муҳтож бўлганлари учун эмас — агар шундай бўлганида, Аллоҳ таолонинг салавотидан кейин фаришталарнинг салавотиға эҳтиёж қолмаган бўлар эди — балки бизнинг у зотга салавот айтишимиз Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг улуғликларини изҳор қилишдир. Салавотимиз бизнинг гуноҳларимиз кечирилишига ва даражаларимиз юксалишига сабаб бўлади.

Савол. Аёл киши ҳайз кўрган пайтида Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтиши мумкинми?

Жавоб: Аёл киши ҳайз кўрган вақтида ҳам Аллоҳ таолонинг исмини, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг исмларини ва икки шаҳодат калималарини айтиши мумкин. Шунингдек, истиффор айтиши ва Пайғамбаримизга салавот айтиши ҳам жоиз

ҳол бўлиб, бу ҳолатнинг юз бериши айна кароматдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна бир оддий аёлнинг қиссасини ҳикоя қилдилар. У аёл кўриниши чиройли, жисми соғлом ва чиройли улов минган кишининг ташқи кўринишига қараб, ўғли ҳам шундай бўлишини Аллоҳдан сўради. Ёдак эса, Аллоҳнинг изни билан тилга кириб, бу дуога қарши чиқди. Кейин эса зино ва ўғрилиқда тухмат қилиниб, азобланаётган аёлнинг олдидан ўтишди. Она ўғлининг бу аёл каби бўлмаслигини Аллоҳдан сўради. Ёдак эса: “Аллоҳим, мени у каби қилгин”, деб гапирди. Сўнгра чиройли кўринишдаги киши зулмкор, аёл эса покиза эканини баён қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу қиссаларни бежизга баён қилиб бермадилар. Ушбу қиссалар замирида улкан мақсадлар бўлиб, улар инсонни эзгу ишларга чорлайди. Дунёга берилган кишилар одамларнинг ташқи кўринишига қараб хулоса чиқаришади. Чин дилдан охиратга интилган



кишилар эса, қалбнинг ислоҳ қилиниши лозимлигини доимо ёдда тутадилар. Улар солиҳ амаллар билан ибратланадилар. Демак, ташқи кўринишга қараб ҳукм чиқариш бирор ишда фойда бермайди. Балки гумон тарафини ифода қилади, холос. Аллоҳ таоло қалбларни билади, мазлумларга адолат қилади. Бу эса барча нарсдан маҳрум бўлиб, қийналганларга далда бўлади.

Сайид Муҳаммад Ҳасанийнинг
“Икки олам сарвари” асарида
Ғиёсиддин ҲАБИБУЛЛОҲ
таржимаси

Масала

Динда саволим бор...

САВОЛ: Баҳор мавсуми бошларида деҳқон билан келишиб, маҳсулотнинг ҳар бир килосига 500 сўмдан бердим. Кузда пиёзнинг килоси 1000 сўмга чиқди. Пиёзни олишим судхўрликка кирмайдими?

ЖАВОБ: Йўқ. Бундай савдо, яъни пулини аввалдан тўлаб, маҳсулотни кейинчалик етказиб бериш “салам” савдоси дейилади.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида одамлар мевалар учун бир-икки йилга пул олар эдилар. У зот: **“Ким хурмо учун қарз олса, маълум идиш (ўша пайтларда маҳсулотлар идишларда ўлчанган), маълум оғирликка ва маълум вақтга олсин”**, дедилар” (Имом Бухорий ривояти).

Яна ўша кишидан ривоят қилинади: «Гувоҳлик бераманки, маълум муддатга зиммага олинган салаф (яъни, салам савдоси)ни Аллоҳ таоло ҳалол қилган ва руҳсат берган: **“Эй иймон келтирганлар! Бир-бирингиздан бирор муддатга қарз олиб, қарз берсангиз, уни ёзиб қўйингиз”**» (Бақара сураси, 282-оят) (Имом Ҳоким ривояти).

Салам савдосининг дуруст бўлиши учун қуйидагилар аниқ бўлиши лозим: маҳсулотнинг жинси (масалан, буғдой); нави (лалми ёки оби); сифати (яхши, ўртача ёки ёмон); миқдори (кило, метр, дона ёки ҳажми); етказиб бериладиган вақти (1 ойдан кам бўлмаган муддатда); етказиб бериладиган жойи (ҳаражат талаб қиладиган бўлса); пули олдиндан тўлиқ берилиши (битим тузилиши биланок); маҳсулотнинг сифатланган нави ва сифати битим тузилган вақтидан то уни етказиб бериш вақтигача бозордан топиладиган нарсаси бўлиши керак (**“Фатҳу бабил иная”**, “Ал-Мухтор”).

Юқоридаги шартларга тўғри келадиган маҳсулотларга олдиндан пул бериб қўйиш жоиз. Маҳсулотни топшириш вақтида нархнинг арзонлашиб ёки қимматлашиб кетишининг эътибори йўқ. Салам битимида келишилган нарх ўз кучида қолади.

Сизнинг мисолингизда ҳам шундай, пиёзнинг нархи 1000 сўмга чиқиб кетган бўлса ҳам, битимда келишилган нархда, яъни 500 сўмдан олаверасиз.

5-бетда

Динда ғулувга кетиш – гуноҳи азим!

Мўътадиллик – Ислом уммати-га хос. Бу ҳақда Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади: **«Шунингдек, сизларни (мусулмонларни бошқа) одамларга (умматларга) гувоҳ бўлишингиз ва Пайғамбарнинг сизларга гувоҳ бўлиши учун “ўрта уммат” қилиб қўйдик»** (Бақара сураси, 143-оят).

Ояти каримадаги “ўрта уммат”-дан мурод адолатли, энг яхши ва турли фазилатларга эга бўлишдир. Бунга қуйидаги ояти карима ҳам далолат қилади: **«Одамларга чиқарилган (маълум бўлган) умматнинг энг яхшиси бўлдингиз, (эй мусулмонлар!) зеро, сиз амри маъруф, наҳйи мункар қиласиз ва Аллоҳга иймон келтирасиз»** (Оли Имрон сураси, 110-оят).

Диндаги мўътадиллик эътиқод, амал, илм ва ахлоқда Қуръони карим, ҳадиси шарифлар ва улаомларнинг сўзларини маҳкам тутиш билангина юзага чиқади. Васатия – мўътадилликни яхши тушуниш учун ғулув (ҳаддан ошиш) ва камчиликка йўл қўйиш масалаларини яхши билиб олишимиз керак.

Амалда ҳаддан ошишдан кўра, эътиқодда ғулувга кетиш ёмонроқдир. Масалан, пайғамбарларни ҳаддан ташқари улуғлаш натижасида уларни илоҳ даражасига кўтариш ёки Худонинг ўғли, дейиш ҳам динда ҳаддан ошишдир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай дейди: **«Эй аҳли китоблар! (Исо ни илоҳийлаштириб) динингизда ҳаддан ошиб кетмангиз! Аллоҳ (шаъни)га эса фақат ҳақ (гап)ни айтингиз!»** (Нисо сураси, 171-оят).

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётлари ҳам мўътадилликка асосланган эди. У зот ҳеч қачон умматларини машаққатли ибодатларга буюрмас, балки баъзи амаллар умматга фарз бўлиб қолишидан хавф қилиб, у амалларни гоҳида тарк қилардилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом динда ғулувга

кетидан огоҳлантириб бундай дейдилар: **“Эй одамлар! Динда ҳаддан ошишдан эҳтиёт бўлинглар! Чунки сиздан аввалгиларни динда ҳаддан ошиш ҳалок қилган”** (Имом Ибн Можа ривояти).

Динда ғулувга кетиш кўпинча илмсизлик ва ўзининг фикрига таассуб қилиш оқибатида келиб чиқади. Ғулувнинг бугунги кунда жамиятимизда учраб турган айрим мисолларни келтириб ўтсак:

– Ҳозирда айрим кишилар тилла тиш қўйдиришни жоизмас деб билиб, тишига тилла қоплатган имомнинг ортида намоз ўқимайди. Ваҳоланки, барча мазҳаб имомлари ва фуқаҳолар тишга тилла қопланган кишининг намози дуруст эканига иттифоқ қилишган. Баъзи саҳоба ва тобеинлар тишларига тилла қоплатганлари ривоят қилинган.

– Ҳаж ёки умрадан келган кишиларни улуғлашда ҳаддан ошиш.

– Ота-онани улуғлашда муболаға қилиб, уларнинг оёғи ювилган сувни қўлларига олиб ичиш.

– Диндаги жузъий масалалар ва мустаҳаб амаллар борасида ҳаддан ошиш, улар билан худди фарз ёки вожибга муомала қилган каби муомалада бўлиш ҳамда одамларни шунга тарғиб қилиш.

Шариатимизда эркак ва аёллар учун махсус диний либос деган тушунча йўқ. Бунда ҳам мўътадиллик лозим: авратларни очиб юриш ҳам, барчани эътиборини тортадиган ноодатий шаклда кийиниш ҳам маъқул эмас.

Баъзилар аёл киши сатри авратда бўлиши учун юзини ёпиб юриши шарт дейди. Бундай қилмаса сатри аврат ҳосил бўлмайди деб доим ниқоб тақишга тарғиб этади. Ваҳоланки, аёлларнинг сатр қилиши лозим бўлган аъзолари ҳақида “Мухтасарул Қудурий”нинг шарҳида бундай дейилади: **“Озод аёлнинг юзи ва икки кафтлари ҳамда икки қадамидан ташқари**

барча бадани авратдир” (“Ал-Лубоб фий шарҳил китоб”).

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **«Мўминларга ҳам айтинг, кўзларини (номахрам эркаклардан) қуйи тутсинлар ва авратларини (зинодан) сақласинлар! Ҳамда кўриниб турадиганидан бошқа зийнат (авратларини) кўрсатмасинлар»** (Нур сураси, 31-оят). Муфассирлар оятдаги: **«кўриниб турадиганидан бошқа»** деган сўздан юз, кафт ва қадамлар назарда тутилган деб тафсир қилган.

Шундай қилиб, Аллоҳ таоло аёлларни юз ва қўлларининг кафт қисми ҳамда икки қадамни беркитишни фарз қилмаган. Қолаверса, Исломнинг беш арконидан ҳисобланувчи намоз ва ҳаж ибодатларида аёллар юзларини очиб олишларига буюрилади.

Ислом бутун башарият учун Аллоҳ таоло томонидан нозил этилган бўлиб, унда инсонларни махсус бир миллатга ўхшаб кийиниб юришга буюрилмаган. Шунинг учун ҳам малайзиялик мусулмалар ўз миллий кийимларида, туркияликлар ҳам ўз кийимларида авратларини ёпиб юришини кўриш мумкин. Зеро, ҳар бир миллатнинг ўз урфи ва кийиниш маданияти бор бўлиб, Ислом уларга даҳл қилмайди, балки уларни тартибга солади, холос.

Бугунги кунда баъзи аёллар “оммавий маданият” номи билан миллий урф-одатларимизга зид кийиниш маданиятини тарғиб қилмоқда. Улар ҳамманинг диққат-эътибори ва нигоҳини ўзига тортувчи ёки беҳаё кийинишлари миллий урф-одатларимиз ва динимиз ғояларига зиддир.

Маълумки, динимизда соқол қўйиш суннат амал бўлиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бунга ўз одатлари ва сўзларида кўрсатиб берганлар.

Улуғларимиз соқолларини бир

қабзадан узун қилмасликларининг сабаби кишининг кўриниши чиройли бўлиши ва одам нафратланадиган ҳолатда бўлмаслиги учундир. Зеро, ислом шариати ботинни гўзал қилиш билан бир қаторда ташқи кўринишни ҳам чиройли қилишга тарғиб қилади.

Соқолни тартибга солишни бизларга уламо ва фуқаҳоларимиз кўрсатиб берган: “Агар киши соқолини узунасига ҳам, энига ҳам ўсиб катталашиб кетадиган ҳолатда қаровсиз ташлаб қўйса, ўзини масҳара қилинишига, яъни бошқалар унинг устидан қилишига сабабчи бўлиб қолади. Қози Иёз айтадики, соқол ўсганида, уни бўйи ва энидан қисқартириб, тартибга солиш чиройли саналган ишдир. Аксинча, соқолни ўстириш орқали шуҳратталаб бўлиш эса, макруҳдир. Бунинг далили шуки: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам соқолларини узунасига ҳам, энига ҳам қисқартириб, тартибга солиб юрар эдилар” (“Ал-мавсуатул фикҳийя”).

Мўмин одам ташқи кўринишию кийинишида ҳам бошқаларга ўрнак ва намуна бўлиши керак. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Қайс ат-Тағлабийдан ривоят қилинган ҳадисда бундай деганлар: **“Минадиган уловларингиз ва киядиган кийимларингизни яхши ва гўзал қилинг, токи одамлар орасида худди юздаги хол каби бўлингиз!”** (Имом Абу Довуд ривояти).

Хулоса ўрнида, динда ғулувга кетиш мусулмонлар орасида тафриқага сабаб бўлади. Бунинг оқибатида фитна ва беқарорлик вужудга келади. Тинчликка путур етади, жамият бирлиги заифлашади. Қуръони каримда марҳамат қилинади: **«Аллоҳга ва Расулига итоат қилингиз ва низолашмангиз, акс ҳолда, сустлашиб кетурсиз ва “шамолнингиз” (обрўингиз) кетиб қолур»** (Анфол сураси, 46-оят).

Мусулмон одоби

Фатво берувчи олим ундан савол сўраган кишига нисбатан муршид ва устоз мақомида бўлади. Шунинг учун фатво сўровчи у билан муомалада одобли бўлмоғи, уни илми учун улуғламоғи ва эҳтиром қилмоғи лозим. Ғам-ғуссада бўлган, аччиқланиб ёки машғул бўлиб турган олимдан фатво сўраш одобдан эмас.

Олимдан савол сўралганда жавобнинг далили сўралмайди. Агар сўраш жуда зарур бўлса, бошқа мажлисда ёки фатвони қабул қилиб олгандан бироз ўтиб сўраса, жоиз.

Фатво сўровчи учун қуйидагилар макруҳ бўлади:

- кўп савол сўраш;
- на дини ва на дунёси учун фойдаси бўлмаган нарсаларни сўраш;
- воқеликда йўқ нарсани сўраш;
- қийин ва чигал масалаларни сўраш;
- тааббудий (ибодатга доир ақл билан билиб бўлмайди-ган) масалаларнинг ҳикматини

сўраш. Масалан, “Бомдод намози нима учун икки ракат? “Нимага икки марта сажда қилинади?” кабилар;

- саволда ҳаддан ташқари чуқур кетиш;
- бошқалардан устун келиш учун қайсарлик ила сўраш;
- бир олимдан сўрагандан кейин бошқасидан яна ўша саволни сўраш;
- енгил фатво берадиган одамни излаб топиб сўраш.

Агар илмда ва адолатда бир хил олимлар бир неча нафар бўлса, савол сўровчи киши ўзи хоҳлаганига мурожаат қилиши мумкин. Аммо баъзи улаомлар: “Уларнинг ичида тақводорроғи ва илмироғидан сўраган маъқул”, деганлар.

Абдуллатиф ТУРСУНОВ,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази
бош мутахассиси

Аксириш ва эснашга доир одоблар

Абу Хурайра розияллоху анхундан ривоят қилинади. Расулуллоҳ солаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: **«Аллоҳ таоло акса уришни хуш кўради, эснашни эса ёмон кўради. Бир киши акса уриб “Алҳамдулиллаҳ” деса, ташмит айтиш – “Ярҳамукаллоҳ” дейиш уни эшитган ҳар бир мусулмон зиммасида ҳақ (шарт) бўлади. Эснаш эса шайтондандир. Эснаш келганда, киши қўлдан келганча уни қайтарсин. Қачон “ҳооҳ” деса, шайтон унинг устидан кулади, яъни хурсанд бўлади»** (Имом Бухорий ривояти).

Аксириш ва эснаш доимо содир бўлса-да, бир-бирига зиддир. Яъни, инсон аксирганда, бутун танаси тетиклашади ва тоат-ибодатларга рағбат юзага келади.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда киши аксирганида “Алҳамдулиллаҳ” деганини эшитганлар билан муносабати келтирилади. Абу Хурайра розияллоху анхундан ривоят қилинади. Набий солаллоху алайҳи ва саллам: **«Сизлардан бирингиз аксирса, “Алҳамдулиллаҳ” десин. Биродари унга “Ярҳамукаллоҳ”, деб айтса, аксирган “Яҳдийкумуллоху ва юслиху балакум”, десин»**, дедилар.

Эснаш ғафлат ва дангасаликка сабаб бўладиган, малолланишни юзага келтирадиган ва шайтонни хурсанд қиладиган амалдир.

Эснаш келганда, айниқса, намозда оғизни очмасликка ҳаракат қилинади ва **“Расулуллоҳ эснамаганлар”** деган калима ҳаёдан ўтказилади. Оғизни юмиб туришнинг имкони бўлмаса, (қиёмда турган бўлса) ўнг қўлнинг кафти ёки (ундан бошқа ҳолатларда) чап қўл кафтининг орқа томони билан оғизни тўсиш одобдандир.

Уламолар намоздан ташқарида эснаган одам қўли билан оғзини тўсгач, Аллоҳдан шайтоннинг

ёмонлигидан паноҳ сўраш: **“Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир рожим”** дейиши мақсадга мувофиқдир, дейишган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, инсонга буюрилган ҳар бир амал фойдали бўлгани каби қайтарилган ишлар ҳам зарарли даф этиш учундир. Ҳар бир ишда бўлганидек, аксириш ва эснашда ҳам шариатимиз кўрсатмаларига амал қилсак, савобга эришамиз, иншоаллоҳ.

Обиджон ИСМОИЛОВ,

Сариосиё тумани

“Имом Низомиддин Сангардакий”

жоме масжиди имом-хатиби



Обиджон Исмоилов 1977 йили Сурхондарё вилояти Денов туманида туғилган. 1998 йили “Мир Араб” ўрта махсус билим юртини тамомлаган. 2010–2014 йилларда Денов тумани “Домла Афанди”, 2015–2018 йиллари Сариосиё тумани “Ҳожи Абдурауф Ансорий” жомеларида имом-хатиблик қилди. 2019 йилдан буён Сариосиё тумани “Имом Низомиддин Сангардакий” жоме масжиди имом-хатибидир.

Эҳтиром

Сабрни ўргандим муаллимимдан

Бухоро педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетида Насрулла Шукруллаев бизга ўзбек тили синтаксисидан сабоқ берган. Устоз дарсга илк кирган кунлариданоқ камтар ва самимийлиги, ўз фанининг билимдони экани билан юрагимиздан жой олганди.

Бир сафар домла дарсга келмади. Билсак, умр йўлдоши оламдан ўтибди.

Олдинроқ олий ўқув юртини эндигина битириб, дипломини қўлга олган ўғли ва икки жияни автоҳалокат туфайли вафот этган эди.

Талабалар ўзларича бир-бирларига бош чайқаб: “Кетма-кет келган ғам домланинг белини букиб қўйди”, дейишарди.

Домланинг “Худойим яхши бандаларига шундай синовлар беради...” деган гаплари кулоқларим остида тинимсиз жаранглаб турди.

Кичкина, озғин жуссасига бир олам жасоратни жамлаган Насрулла домла кўп ўтмай, ишга қайтди. Ажабо... ғамгин кўзлар жудолик ҳасратидан сўзласа-да, у киши ўзини бардам тутар, иложи

борича дардларини ошкор қилмасликка ҳаракат қиларди.

Домламизнинг юзларида нур, нигоҳларида эса инсонга ва ҳаётга бўлган муҳаббат балқиб турарди.

Хуллас, биз устоздан нафақат тил сабоғини, балки сабр сабоғини олган эдик.

Орадан йиллар ўтди. Ўқитувчи бўлиб малака оширишга борганимизда яна устозимизнинг сабоқлари насиб этди.

Ҳа, ҳаёт баъзан оғир, синовлари кўп. Инсон шу ҳаётнинг синовларига, шодликларию қайғуларига доимо тайёр туриши, ҳаммиша шукр ва сабр қилиб яшаши лозим.

Жалолиддин Румийнинг “Инсонни машаққат ва маҳрумиятлар камолга етказди”, деган ҳикматларининг чин ифодасини, ҳаётдаги исботини устозимиз, педагогика фанлари номзоди, профессор Насрулла Шукруллаевнинг ҳаёти мисолида яққол кўрдик.

Ушбу шеъримни чин дилдан чиқаётган миннатдорлик ва саломим сифатида устозимга йўлламоқчиман:

Муаллимимга

Ғам келса, тоғларни тўзғитар, дерлар...
Кўрдим, бардошлидир тошдан-да одам.
Кимлар кимдан нелар ўрганди, мен-чи:
Сабрни ўргандим муаллимимдан.

Кўнғил Каъбасини бузғувчилар кўп,
Эвоҳ, ширин сўзни оласиз кимдан...
Қоронғи дилларга чироқдек бўлиб,
Ёнмоқни ўргандим муаллимимдан.

Фақат дарс беролмас инсонга сабоқ,
Ҳаётнинг дарсини ўргандик ундан.
Нотекис йўлда ҳам адашмай, тўғри
Бормоқни ўргандим муаллимимдан.

Яхшилар кўпайса, устозлар сабаб,
Дунёнинг борлиги аслида шундан.
Дардли кўнғил билан дардларга малҳам
Бўлмоқни ўргандим муаллимимдан.

Дилором КАРИМОВА,

филология фанлари номзоди,
доцент



Масала

3-бетда

САВОЛ: Бир танишим ҳаммага ҳар хил нархда кабоб пишириб сотади. Шу тўғрими?

ЖАВОБ: Сотувчи ўзининг маҳсулотини истаканча тасарруф қилишга ҳақли: истаса арзон, истаса қиммат сотади. Бир кишига арзонроқ, бошқасига қимматроқ сотиш шаръий томондан ман қилинмаган. Чунки савдо ўзаро розилик билан молни молга алмаштиришдир (“Мухтасарул Виқоя”).

Набий солаллоху алайҳи ва саллам: **“Албатта, савдо икки томоннинг розилиги биландир”**, деб марҳамат қилганлар (Имом Ибн Можа ривояти).

Савдода асосий омил сотувчи ва харидорнинг ўзаро розилигидир. Нарх белгилашда, модомики, оммага зарар етмас экан, сотувчи ихтиёрли. Унинг ишига бошқалар аралаша олмайди. Сотувчи ўз ихтиёри билан камбағал-муҳтож кишиларга маҳсулотни арзонроқ нархда сотадиган бўлса, албатта, бу мақтовга сазовор ишдир. Зеро, Расулуллоҳ солаллоху алайҳи ва саллам: **“Албатта, Аллоҳ олди-сотдида қўли очик, ҳукм юритишда адолатли бўлганларни яхши кўради”**, деб марҳамат қилганлар (Имом Термизий ривояти).

САВОЛ: Пайғамбаримизнинг таваллуд ойлари ҳақида маълумот берсангиз.

ЖАВОБ: Расулуллоҳ солаллоху алайҳи ва саллам мусулмон умматига Аллоҳ таолонинг энг буюк фазли ва раҳмати ҳисобланадилар. Ушбу муборак ойда Пайғамбаримиз солаллоху алайҳи ва салламга салаотларни кўпайтириш, у зотнинг ҳаётларини чуқурроқ ўрганиб, суннатларини тирилтириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази.
Тел. 78-150-33-44

Масжид қуришнинг фазилати

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам Мадинага келиб, илк ташаббуслари масжид қуриш бўлган. Кубодаги бу масжид — мўминлар бирдамлиги, ўзаро меҳр-муҳаббат кўрсатишлари, таълим-тарбияни айнан бир ердан олишлари учун бунёд этилган.

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам Мадинаи мунавварадаги Масжиди Набавийни ҳам мусулмонлар билан бирга, ўзлари иштирок этиб барпо қилганлар. Бу саъй-ҳаракатлар масжид мусулмонлар ҳаётида нечоғли аҳамиятли ва зарур эканини кўрсатиб беради. Айниқса, масжид қуриш ва унинг қурилишида иштирок этиш фазилатли ҳамда савоби улкан эканидан муборак қўлларида лой ташиганлар.

Пайғамбаримиз вафотларидан кейин Ҳазрат Абу Бакр, Ҳазрат Умар розияллоху анҳумо ҳам Масжиди Набавий озодалиги ва унинг хавфсизлигини мунтазам таъминлаб боришган.

Ҳазрат Усмон розияллоху анҳу даврларига келиб эса, масжид олдингига нисбатан мусулмонлар учун торлик қила бошлаган. У киши Масжиди Набавийни қайта

қуриб, кенг кўламли ободончилик ишларини олиб борганлар. Масжиди Набавийнинг мутлақо янги кўринишга ўтаётганидан баъзи саҳобалар эътироз билдирадилар. Шунда Усмон розияллоху анҳу уларнинг эътирозларига жавоб тариқасида ушбу ҳадисни айтди:

“Ким Аллоҳ учун бир масжид қурса, Аллоҳ ҳам унга у(масжид)нинг мислича жаннатда уй барпо қилади” (Муттафақун алайҳ).

Натижада, масжид қуриш умумий манфаат эътиборидан ҳамда келажакдаги улкан фойдалар кўзлангани учун саҳобалар бу қурилишга рози бўладилар.

Бошқа бир ҳадисда эса, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Етти (иш борки), банда ўлгандан кейин ҳам қабрига унинг савоби бориб туради: ким илм ўргатса, ёки ариқ ўтказса, ёки қудуқ қазиса, ёки хурмо (дарахт) экса, ёки Мусҳаф мерос қолдирса, ёки ўлимидан кейин унинг ўзига дуо қилиб турадиган фарзанд қолдирса”,** деб марҳамат қилганлар (Имом Баззор ва Имом Байҳақий ривояти).

Масжид қурган ёки унинг қурилишида иштирок этган, ҳисса кўшган одамнинг мукофоти унинг

вафотидан кейин ҳам тўхтовсиз бориб туради. Сабаби, масжид биргина кишининг кучи билан битиб қолмайди. Унинг мустаҳкамлиги ва хавфсизлиги кўпчилик билан амалга оширилади. Ким бу ишга бош, ким хайрихоҳ, ким ҳомий, ким уста, ким дурадгор, ким ҳайдовчи, ким ошпаз, ким тозаловчи бўлса — барчалари тенг ажр оладилар.

Имом Ибн Можа ривоят қилган ҳадисда масжид учун озгина қўшилган ҳиссанинг мукофоти баён қилинган: **“Ким Аллоҳ ризоси учун каклик тухум қўйгудек жойга масжид қурса, Аллоҳ унга жаннатда уй бино қилади”,** дейилган.

Аслида каклик инидек жойда намоз ўқиб бўлмаслиги кундек равшан. Бу ерда шу миқдорчалик бўлса ҳам, масжид қуришда иштирок этишнинг савоби айtilмоқда. Тасаввур қилинг-а, ликопчадек жой учун жаннатда уй ваъда қилинган бўлса, унинг бутунлай битиши, бунёд бўлиши учун пул сарфлаган, ҳомийлик қилган, қизиқтирганнинг мукофоти янада олий бўлиши аниқ.

Энди жаннатдаги уй бизнинг кўзимиз кўрмаган, кулоқларимиз

эшитмаган уй бўлиши айни ҳақиқатдир.

Мамлакатимизда масжидлар сони кўпаймоқда, жомелар қайта таъмирланиб, халқимиз учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Юртбошимиз ҳам бу каби эзгу ишларга раҳнамолик қилиб, Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуаси қайта бунёд этилиши учун алоҳида кўрсатма бердилар. Мажмуадаги янги масжид эса, бир вақтнинг ўзига 8 минг кишининг ибодат қилишига мўлжалланмоқда. Бу нафақат халқимиз, балки хорижлик мусулмонлар учун ҳам хушхабар бўлади.

Фахриддин МАМАНОСИРОВ,
Имом Бухорий номидаги
Тошкент ислом институти
“Ҳадис ва ислом тарихи”
кафедраси катта ўқитувчиси



Муҳим саналар

2-бетда

Истиқлол даврида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тарихида янги саҳифа очилди. Диний ишларни бошқариш, фатволар бериш, масжидлар ишини сифатли ташкил этиш, диний ходимлар тайёрлаш, ҳаж ва умра сафарларини уюштириш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Халқаро Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият бўйича муассасаси ISESCO (АЙСЕКСКО) томонидан Тошкентни 2007 йилда “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилиниши муносабати билан “Ҳазрати Имом” (Ҳас-тимом) мажмуасида кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Қисқа вақт ичида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг янги биноси, беш минг намозхонга мўлжалланган ҳашаматли жоме масжид ва унинг эллик икки метрли икки минораси, Ислом маъҳади биноси қуриб битказилди, “Тилла Шайх”, “Мўйи муборак”, “Намозгоҳ” масжидлари, Барокхон мадрасаси ва бошқа обидалар қайта таъмирланди, янги майдонлар, йўллар барпо этилди.

Турли йилларда Мухторжон Абдуллаев (Бухорий) (1993–97), Абдурашидқори Баҳромов (1997–2006),

Шарафли йўл



Усмонхон Алимов (2006–2021) диний идора раиси ва муфтий сифатида фаолият кўрсатишди. 2021 йилдан буён муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ушбу лавозимда ишлаб келмоқда.

Сўнгги йилларда юртимизда Ислом дини ривожига қаратилаётган юксак эътибор боис, диний идора фаолиятида ютуқлар кўпаймоқда. Жумладан, диний мутахассислар тайёрлаш масаласига ёндашув ўзгарди. Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтига қўшимча бинолар қурилиб, таълим жараёнида ижобий ўзгаришлар қилинди. Айни дамда Самарқандда Ўзбекистон мусулмонлари идораси муассислигида олий таълим берувчи Ҳадис илми мактаби ташкил этилди. Шу билан бирга, идора қошида “Қуръон ва тажвидни ўргатиш” бўлими очилиб, юртдошларимизга қироат илмини ўрганишларига шароит яратилди.

Эътиборли ўзгаришлардан яна бири, диний идора раҳбарлигида юртдошларимизни ҳаж ва умра сафарларига юбориш қамрови кескин ошди. Кейинги йилларда зиёратчиларни умра сафарига чекланмаган ҳисобда юбориш йўлга қўйилган

бўлса, ҳаж сафари квотаси ҳам йилдан-йилга ошириб борилмоқда. Масалан, мазкур ибодатни 2016 йилда 5200 нафар, 2017 йилда 7200 нафар ватандошимиз адо этган бўлса, 2023 йил Ҳаж мавсумида ушбу кўрсаткич 15 минг нафардан ошди.

Юртимиз мусулмонлари учун барча шаръий масалаларга оид фатволар чиқариш, аҳолининг диний саволларига жавоб бериш, одамлар ўртасидаги муомала масалалари бўйича ҳукмларни баён қилиш мақсадида 2022 йилда Ўзбекистон мусулмонлари идораси қошида Фатво маркази ташкил этилди. 15 нафар уламо хизмат қилаётган ушбу марказ фаолияти бугунги кунда халқимизга диний соҳада кўплаб манфаатлар келтирмоқда.

“Ҳазрати Имом” мажмуаси бугунги кунда сайёҳлар билан гавжум

масканга айланган. Айниқса, “Мўйи муборак” масжидида жойлашган диний идора кутубхонасида сақланаётган Усмон Мусҳафини ҳар йили минглаб ватандошларимиз ва хорижий меҳмонлар зиёрат қилишади.

Диний идора муассислигидаги “Шамсуддинхон Бобохонов” нашриёт-матбаа ижодий уйида “Ҳидоят”, “Мўминалар” журналлари ва “Ислом нури” газетаси ҳамда исломий адабиётлар нашр этилиши юртдошларимизнинг диний-маърифий билимларини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон мусулмонлари идораси халқимизга динни танитиш йўлида узоқ йиллар давомида муносиб хизмат қилди ва бугун ҳам ушбу улғу мақсад йўлида фаол ҳаракат олиб бормоқда.

Акбар МАМАТОВ,
Мирзо Улуғбек тумани
бош имом-хатиби

Акбарали Маматов 1980 йили Жиззах вилояти Бахмал туманида туғилган. 2001 йил Тошкент ислом институтини битирган. 2017–2018 йилларда Мирзо Улуғбек тумани “Мулла Қосим” жоме масжиди имом-хатиби бўлди. 2018 йилдан ҳозиргача “Тепа” жоме масжиди имом-хатиби ва Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани бош имом-хатибидир.



Туббаъ ибн Хумайр ибн Вардаъ

Туббаъ қавми Ямандаги Қахтон қабиласи арабларидан бўлган. Уларнинг бундай номла-нишига сабаб, ўзларини Қуёшга тобе деб билиб, унга сиғинганла-ридир. Шу билан бирга, “туббаъ” Яман подшоҳларининг лақаби ҳам бўлган.

“Меърожун нубувват” кито-бида келтирилишича, Туббаъ ибн Хумайр ибн Вардаъ исмли Яман подшоҳи ўтган. Туббаъ-нинг асл исми Золл бўлган. У Ер юзининг тўртдан бир қисмини эгаллаб буюк салтанат тузган. Унинг бундай шуҳратга эга бў-лишида Амёрийсо исмли доно вазири ва тўрт минг нафар ҳука-мо ва уламоларнинг маслаҳат ва хизматлари катта бўлган.

Мазкур қавм ҳақида Духон, Қоф ва Сабаъ сураларида зикр қилинади. Аллоҳ таоло Духон сурасининг 37-оятда бундай марҳамат қилади: **«Улар ях-широқми ёки Туббаъ қавми ва улардан аввалги кишиларми?! Биз уларни ҳалок қилдик. Чун-ки улар жиноятчи эдилар».**

Қоф сураси 14-оятда эса: **«Ва дарахтзор эгалари (Шуайб қав-ми) ва Туббаъ қавми – барча-лари пайғамбарларни ёлғонга чиқардилар. Бас, (азоб) ваъдам ҳақ бўлди»**, дейилади.

Туббаъ ибн Хумайр ибн Вар-даъ подшоҳ бўлса-да, қавмидан

фарқли ўлароқ, Аллоҳ таолога иймон келтирган ва солиҳлар-дан бўлган. Тарихий манбалар-да келтирилишича, подшоҳ Туб-баъ аввалда мушрик бўлиб, сўнг Исломга кирган. Подшоҳ шаҳар-ларни забт этиб, Маккага ки-риб келади. Маккаликлар эса унинг истиқболига чиқишмай-ди. Вазирлардан бири подшоҳ-га ушбу муаззам шаҳарда Каъ-ба жойлашгани, у мукаррам ва узоқ тарихга эга эканини ҳикоя қилади. Шаҳар аҳли ўзини Каъ-банинг соҳиблари деб билгани учун ҳам унинг истиқболига чиқ-маганини тушунтиради. Подшоҳ дарғазаб бўлиб, Каъбани хароб қилишни, унинг аҳлини эса, қи-личдан ўтказишни ният қилади ва кўп ўтмай оғир дардга чалина-ди. Табиблар уни даволай олиш-майди. Маслаҳатчиларидан бири Аллоҳ бу касалликни унга Каъ-бани бузмоқчи бўлгани сабаб-ли йўлиқтирганини айтади. Туб-баъ фикридан қайтади. Шундан сўнг Аллоҳ унга яна саломатли-гини қайтаради. Соғайган заҳо-ти иймон келтиради.

У уламолардан Каъба зиё-рати тартибини сўраб ўргана-ди ва тавоф қилади, Макка аҳли учун дастурхон ёзади ва ҳаммага совға-саломлар улашади.

У Мусо алайҳиссаломнинг шариатида ибодат қилган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам у ҳақда: **«Туб-баъни сўкманглар, чунки у Ислом-ни қабул қилган эди»**, деганлар (Имом Аҳмад ривояти).

Аллоҳ таоло Яманда қолган Туббаъ қавмини ҳалок қила-ди. Сабаъ сураси 15 – 17-оятла-рида Аллоҳ таоло Туббаъ қав-ми ҳақида бундай марҳамат қилади: **«Батаҳқиқ, сабаъли-клар учун ўз масканларида оят-белги бор эди — ўнг ва чап-дан икки боғ бор эди. “Раббин-гиз ризқидан енг ва Унга шукр қилинг! Не гўзал юртингиз ва ўта мағфиратли Раббингиз (бор)”, (дедик). Улар юз ўгир-дилар. Бас, биз уларнинг усти-га Арим селини юбордик ва уларнинг икки боғларини ач-чиқ мевали, юлғунзор ва би-розгина сидрли бутазор “боғ”-га айлантирдик. Уларни но-шукрлик қилганлари учун ана шундоқ жазоладик. Биз фақат**

ўта ношукрларгагина жазо берурмиз».

Маккадан йўлга чиққан под-шоҳ иттифоқо ҳозирги Мадина шаҳри ўрнида тунайди. Под-шоҳга ҳамроҳ бўлган олим ва муаббирлар келгусида бу ер охирзамон Пайғамбари Муҳам-мад соллаллоҳу алайҳи ва сал-ламга макон бўлиши хабарини беришади. Шунда унга ҳамроҳ бўлган тўрт юз ҳаким ва уламо-лар ўз ихтиёри билан Пайғам-баримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни кутиш ва у зотга хиз-мат қилиш мақсадида шу ерда яшаб қоладилар.

Туббаъ ибн Хумайр ибн Вар-даъ Ҳиндистоннинг Қалсимон шаҳрида яшайди ва шу ерда ва-фот этди.

Фазлиддин КАРОМАТУЛЛОҲ,
Сариосиё тумани бош имом-хатиби



Фазлиддин домла Каромутуллоҳ 1962 йилда Сариосиё туманида туғилган. 1991 – 1995 йилларда Имом Бухорий номида-ги Тошкент ислом институтида таҳсил олган. 2023 йилдан Сариосиё тумани бош имом-хатиби ҳамда тумандаги “Сўфи Ал-лоҳёр” жоме масжиди имом-хатибидир.

Ёмонликдан қайтариш

Ислом илм, маърифат ва ин-соннинг манфаатларини ҳимоя қилувчи дин эканини барча яхши англаши лозим. Чунки Қуръони карим ва ҳадиси шариф Ислом-нинг асосий манбалари бўлиш би-лан бирга, мусулмонлар ҳаётини ташкил этиш учун муҳим қўллан-ма ҳамдир. Айнан мана шу жиҳат-дан, мусулмонларнинг манфаат-ларидан келиб чиқиб, инсон ка-молоти ва жамият фаровонли-ги, ижтимоий барқарорлик ва тараққиётни кўзлаб Қуръон ва суннатга асосланган ҳолда ҳукм чиқариш алоҳида билим ва мала-кани талаб этади.

Муътабар манбаларимизда, шариатга мувофиқ деб эътироф этиладиган даражадаги ҳукм-ни чиқариш ҳамда фатво бериш ҳуқуқига эга бўлиш, кишига ав-вало араб тили, Қуръон ва қуръ-оншунослик илмлари, ҳадис ва ҳадисшунослик илмлари, усул-у-фиқҳ ва ислом тарихи каби бир қанча илмларни жуда чуқур ва мукамал эгаллаш вазифа қилиб қўйилади.

Аллоҳ таоло Оли Имрон сура-сининг 7-оятда: **«У Сизга Китоб-ни (Қуръонни) нозил қилган зот-дир. Унда шу Китобнинг “онаси” саналмиш (маъноси) аниқ оят-лар ва (шу билан бирга) яна мута-шобиҳ (маъноси Ўзидан бошқага номаълум) оятлар ҳам бор. Аммо дилларида оғиш бор кимсалар одамларни фитнага солиш ва ўз талқинига мувофиқ маънолар бериш учун унинг (Қуръоннинг) муташобиҳ оятларига эргашади-лар. Ҳолбуки, ундай оятлар таъ-вилини (асл маъносини) фақат Аллоҳнинг Ўзигина билур. Ил-мда мустаҳкам (ҳаққоний олим) лар эса: “Унга иймон келтирдик. Ҳамма (оятлари) Раббимиз ҳузу-ридандир”, дейдилар. (Бундан) фақат ақл эгаларигина эслатма олурлар»**, деб марҳамат қилади.

Имом Термизий раҳматуллоҳи алайҳ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу

алайҳи ва саллам: **“Ким Қуръон (оятлари) ҳақида ўз раъйи билан гапирса (тафсир қилса), тўғри қилган бўлса ҳам, хато қилибди”**, деганлар.

Яъни, ким эътироф этилган ус-тоздан илм олмай, ўзича Қуръон-ни тафсир қилишга киришиб, тўғри тафсир қилган тақдир-да ҳам, барибир хатога йўл қўй-ган ва оғир гуноҳни содир этган бўлади.

Бундан эса, устоз кўрмасдан, илмсиз равишда Қуръонни тафсир қилиш ва шунинг ба-робарида илмсиз равишда фатво бериш ўта хатарли экани равшанлашади.

Исро сурасининг 36-оятда эса, Аллоҳ таоло: **«(Эй инсон!) Ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дил-нинг ҳар бири тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур)»**, деб марҳамат қилган.

Ушбу оят ҳақида Қатода раҳи-махуллоҳ: **«Кўрмаган нарсангни “кўрдим”, эшитмаган нарсангни “эшитдим”, билмаган нарсангни “биламан” дема! Чунки Аллоҳ таоло буларнинг барчаси ҳақида сендан қиёмат куни сўрайди»**, деганлар.

Демак, ҳар бир инсон мусул-монларнинг аксари эътироф эт-маган, балки эътироз билдирган ва рад этган шахслар ва тоифа-ларнинг гап-сўзига қулоқ солиш-дан, аслиятини кўрмаган нарсала-ри ҳақида гўёки аслини билгандек сўзлашдан, қалби хотиржам бўл-маган нарсалар ҳақида ўзбошим-чалик билан тафаккур қилишдан узоқда бўлиши лозим. Аксинча бўл-са, бу мусулмон қиёмат куни ўз ҳи-соби ўта оғир бўлишини англаши муҳим.

Манбалар асосида
Акmalхон АҲМЕДОВ
тайёрлади.

Мовароуннаҳрда қурилган илк масжид

Туронзаминга Ислом дини кириб келгач, Қутайба ибн Муслим ҳижрий 94-йили (милодий 712–713 йиллар) Бухоро арки ичидаги мажусийлар бутхонасини масжидга айлантирди. Ҳар жума куни жарчи қўйиб, одамларни намозга чақиртирди. Вақт ўтиши билан аҳолининг Исломга бўлган рағбати ортиб, намозхонлар масжидга сиғмай кетди. Милодий 770–771 йилларда бухороликлар арк ва шахристон бозори ўртасида жоме бино қилдилар.

Мазкур жоме Мовароуннаҳрда қурилган биринчи масжид ва ҳозирги Масжиди Калоннинг илк биноси эди. Ҳадис илмининг султони Имом Бухорий (810–870) бу ерда дарс ўтганларида маълум бир масофада мубаллиғлар, яъни етказувчилар туриб, унинг сўзларини халққа етказиб турган. Масжиди Калонда буюк муҳаддисдан бир вақтнинг ўзида ўн мингга яқин одам дарс олган. Амир Исмоил Сомоний (888–907) даврида эса масжид атрофидаги кўп уйлар соғиб олинди ва жоме учдан икки ҳиссагача кенгайтирилди. Айрим маълумотларда ўша пайтлар Масжиди Калонда юз минггача

одам намоз ўқигани келтирилади. 1067–1068 йиллар масжид ёниб кетиб, узок вақт қаровсиз қолди. Қорахоний ҳукмдор Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон ўз маблағи ҳисобидан жомени 1121–1122 йилларда янгидан тиклатди.

Масжиди Калон Кўчкинчихон фармони билан 1514 йили қайта таъмирланди, Абдулазизхон (1540–1550) даврида пештоқи ва меҳробига забардаст хаттот Шайх Боязид Пуроний Қуръони карим оятларини катта маҳорат билан нақшлади.

Масжид ичкарасидаги пештоқ олдида кўшк бўлиб, у “Қабри шаҳидон” деб аталади. Кўшкни 1913 йили Амир Олимхон фармонига биноан уста Ширин Муродов қурган.

1920 йили шўро қўшинлари Бухорога бостириб кириб, шаҳарни тўп ва самолётлар билан бомбардимон қилди. Оқибатда кўпгина масжид-мадрасалар вайрон бўлди, омон қолганлари отхона ва қурол-яроғ омборларига айлантирилди.

Масжиди Калоннинг “бошига” ҳам шундай кунлар тушди – у маълум вақт умумий омборхона вазифини бажарди. Кейинчалик масжид сифатида қайта очилди.

1976 йилдаги зилзила сабабли

бинонинг бош пештоқига шикаст етди. 1980 йили усталар уни асл ҳолига келтиришди.

1997 йили Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланиши муносабати билан Пойи Калон меъморий мажмуасида Масжиди Калон, “Мир Араб” мадрасаси каби жами йигирма саккизта маданий мерос иншооти тўлиқ таъмирланди. Шаҳар марказидаги тарихий меъморий ёдгорликлар қатори Масжиди Калон ҳам ЮНЕСКО жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди.

Масжид тўғри тўртбурчак тарҳли (127×78 м) бўлиб, кенг ҳовлиси атрофини гумбазли бостирма айвон эгаллаган. 188 кубба (гумбазча) 208 устунга таянган. Улар ўзига хос маҳобатли кўринишга эга бўлиб, устунларга кейинчалик мурабба тарҳли пойустунлар ўрнатилган. Ҳовлининг тўрт томонида нақшинкор пештоқлар бор. Кунчиқар томондаги ташқи улкан пештоқ маҳобати ва муҳташам беағи билан ажралиб туради. Масжиди Калоннинг 7 та ташқи эшиги бор. Пештоқ равоқидаги болохона ва унинг ён томонидаги қиррали равоқлар кошин ва сирланган ғишлар билан безатилган. Айниқса, ганчкори равоқлар алоҳида кўзга

ташланади. Пештоқ орқали ҳовли тўридаги хонақоҳ максурага ўтилади. Хонақоҳнинг мовий гумбазини узокдан кўриниб туради. Ички гумбаз бағалларига “қолибкори” услубида қатор майда равоқчалар ишланган. Меҳроб безаклари нафис кошинкорлик санъатининг юксак намунасидир. Масжиди Калоннинг бош фасади кунчиқарга қараган. Йирик ва мозаика билан пардозланган масжид пештоқи бироз баландда жойлашган. Масжид ҳовлисида бир неча поғонали зинадан кирилади. Ҳовлининг ички тарафида иккита мовий гумбаз жойлашган.

Диёримиздаги энг қадимий жоме бўлган ушбу масжид бугун ҳам мўмин-мусулмонларга хизмат қилиб келмоқда.

Тўлқин ЭШТЎХТАР ўғли
тайёрлади.



Тарбия

Солиҳ ва соғлом фарзанд сўраб дуо қилиш

Никоҳи ўқилган йигит ва қизнинг энг асосий мақсади – Аллоҳ таоло уларга солиҳ ва соғлом фарзанд беришини сўраб дуо қилишларидир.

Бу пайғамбарларнинг суннатларидир. Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасининг 38-оятда Закариё алайҳиссаломнинг дуоларини нозил қилган: «**Шу чоғда Закариё Раббисига дуо қилиб: “Раббим, менга Ўз ҳузурингдан покиза зурриёт ҳадя эт. Албатта, Сен дуони эшитувчисан”, деди.**».

Мазкур дуо келин ҳомиладор бўлмасдан аввал ўқилиши афзал. Айниқса, куёв келин билан биргаликда ушбу дуо асосида илтижо қилишлари янада муҳимдир.

Бўлажак отанинг дуоси ижобат бўлиб, бола ҳомила шаклида ривожлана бошлагач, унинг келажақда ақлан ва жисмонан

соғлом, шу билан бирга, солиҳлардан бўлишини сўраб дуо қилишда бўлажак онанинг кўмаги жуда зарур. Зеро, бу Одам Ато ва Момо Ҳавводан мерос қолган амалдир. Аллоҳ таоло бу ҳақда Аъроф сураси 189-оятда бундай марҳамат қилади: «**...У (ҳомила) оғирлашганда эса, икковлон Раббилари Аллоҳга: “Агар бизга солиҳ (фарзанд) берсанг, албатта, шукр келтиргувчилардан бўлажакмиз”, деб дуо қилдилар.**».

Фарзанднинг дунёга келиш вақти яқинлашгани сари бўлажак ота-она гўзал мақсад ва истаклар билан бирга фарзанднинг жисмонан комил ва соғлом ҳамда ақлан етук туғилиши орзуси пайдо бўлади. Айнан мана шу даврга келиб бўлажак ота-она: **“Агар бизга солиҳ фарзанд берсанг, албатта, шукр**

қилгувчилардан бўламиз”, деб доимий дуо қилишлари туғилажак фарзанднинг фазилатлилигига сабаб бўлади.

Дуо қилишга тарғиб бежиз эмас, албатта. Нима учун инсонлар кундан-кунга ўзаро оқибатсиз, бешафқат ва бераҳм бўлиб, бир оила аъзоларининг бир-бирига ҳурмат ва эҳтироми йўқолиб боряпти? Олимларнинг хулосаларига кўра, бунинг асоси боланинг зинодан ёки фарзанд кўришни истамаган ота-оналардан туғилиши экан. Бу эса, ота-онанинг

фарзандли бўлишни хоҳламай тургандаги руҳий тушкун ҳолати ҳомилага ўтиши ва руҳиятига салбий таъсири натижаси ҳамдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкин: ҳар бир келин-куёв ва ота-она ҳар доим Аллоҳдан дину динатга ва элу юртга манфаатли солиҳ ва соғлом фарзанд сўраб дуо қилиши лозим.

Оқилжон ИСҲОҚОВ

Тошкент шаҳридаги “Нурул ислом” жоме масжиди имом-хатиби тайёрлади.



Оқилжон Исроқов. 1975 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1999 йили Тошкент ислом институтини битирган. 2000 йилдан 2008 йилгача Зангиота тумани “Нижмат ота” жоме масжиди имом-хатиби бўлди. 2008 йилдан ҳозиргача Сергели тумани “Нурул Ислом” жоме масжиди имом-хатибидир.

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV

Ислом нури

Bosh muharrir: Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR
Sodiq TOSHOYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Jaloliddin HAMROQULOV
Obidjon QODIROV
Uyg'un G'OFUROV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURXONOV
Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi
Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIDDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent—100069, Zarqaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda 0017-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir: Akmalxon AHMEDOV
Musahhiha: Zabo OMONOVA
Sahifalovchi: Komiljon MAHMUDOV
Eksperitizaga berildi: 06.10.2023
Xulosa (№03-07/7645) olindi: 12.10.2023
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 13.650
227/18-buyurtma.
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Zarqaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!